(1453 – Самарканд – 1495-йил)
(1494-1498)

Самарканд хокими (1494-1498). Темурийлардан. Абу Саид мирзонинг 3-ўгли. Отаси даврида Астробод вилояти хокими. Абу Саид Мирзо вафоти (1469)дан сўнг Термиз, Чагониён, Хисор, Хатлон, Кудуз, Бадахшон ва Хиндикуш тогларигача бўлган ерлар унинг тасарруфига ўтган. Акаси Султон Ахмад Мирзонинг вафоти (1494)дан сўнг эса, Самарканд тахтига ўтирган. У зулмни хаддан оширгани учун мамлакатнинг катта кичик аслзодалари, сипохийлар ва оддий халк хар тарафга таркалиб коча бошлаган. Султон Махмуд Мирзо тахтга даъвогар бўлиб келган амакиваччаси Малик Мухаммад Мирзо ва у билан бирга келган мирзоларни катл эттирган. Султон Махмуд Мирзо ўз хукмронлиги даврида 2 марта Хусайн Бойкаро билан жанг килиб, иккаласида хам маглуб бўлган. Бобурнинг Султон Нигор хоним исмли холаси унинг 4-хотини.